

Эшитганини суриштирмай гапирган ёлғончидир



19:16 / 11.07.2017 7094

Аллоҳ таоло Ҳужурот сурасида марҳамат қилади:

«Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, билмасдан, бир қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар» (6-оят).

Келинлар, ояти каримани чуқурроқ тушуниш учун аввал унинг нузули сабабини ўрганайлик. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ўзларининг «Муснад» китобларида уммул мўминин Жувайрия бинти Ҳорис розияллоху анҳонинг оталари – Бану Мусталақ қавми подшоси Ҳорис ибн Аби Зирор Ҳузоъий розияллоху анҳудан ривоят қиладиларки, у киши дебдирлар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борганимда у киши мени Исломга даъват қилдилар, мен Исломга кирдим ва иқрор бўлдим. Сўнгра мени закотга чақирдилар, унга ҳам иқрор бўлдим. Сўнгра: «Эй Аллоҳнинг Расули, рухсат берсангиз, бориб, қавмимни Исломга ва закот беришга чақирсам, ким кўнса, закотларини жамлаб қўйсам, фалон вақтда бир вакил юборсангиз, мен жамлаган закотларни олиб келса», дедим».

Сўнгра Ҳорис розияллоҳу анҳу ўзига эргашганларнинг закотини жамлаб қўйиб, кутди, Набий алайҳиссалом вакил юборишлари лозим бўлган вақт келди, лекин вакил келмади. Ҳорис, мендан Аллоҳнинг ва Набийсининг аччиғи чиқди шекилли, деб гумон қилди ва ўз қавмининг аъёнларини жамлаб:

«Расулуллоҳ менга вакил юбориш учун вақт белгилаган эдилар. Вакил келиб, мендаги закотни олиши керак эди. Расулуллоҳ ваъдага хилоф қилмайдилар, вакилларининг ушланиб қолишини аччиқлари чиққанлигидан деб биламан. Келинглари, ўзимиз Расулуллоҳнинг ҳузурларига борайлик», деди.

Бу орада Расулуллоҳ алайҳиссалом Валид ибн Уқба исмли кишини Ҳориснинг олдига закотни олиб келиш учун вакил қилиб юборган эдилар. Аммо Валид бир жойга етиб, негадир қўрқиб, орқага қайтди ва Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Ҳорис закотни бермасдан, мени ўлдирмоқчи бўлди», деди. Набий алайҳиссаломнинг ғазаблари чиқди ва Ҳорисга гуруҳ юбордилар. Юборилган кишилар энди Мадинаи Мунавварадан чиққан эдилар, олдиларидан Ҳорис розияллоҳу анҳу одамлари билан чиқиб қолдилар. Юборилганлар:

«Ана, Ҳориснинг ўзи келяпти», дедилар. Ҳорис розияллоҳу анҳу яқинлашиб келиб:

– Кимга юборилдингиз? – деб сўрадилар. Улар:

– Сенга, – дейишди. У киши:

– Нима учун? – дедилар. Улар:

– Расулуллоҳ алайҳиссалом сенга Валид ибн Уқбани юборган эдилар, унинг айтишича, сен унга закотни бермай, уни ўлдирмоқчи бўлибсан, – дедилар.

Шунда Ҳорис розияллоҳу анҳу:

– Йўқ, Муҳаммад алайҳиссаломни ҳақ дин билан юборган Зотга қасамки, уни ҳеч кўрганим йўқ ва у менинг олдимга келгани ҳам йўқ, – дедилар. Ҳорис розияллоҳу анҳу Набий алайҳиссаломнинг олдиларига кирган эдилар, у зоти шариф:

– Закотни бермай, вакилимни ўлдирмоқчи бўлдингми? – дедилар. Ҳорис розияллоҳу анҳу:

– Йўқ, сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, уни кўрмадим ва у менинг олдимга келгани ҳам йўқ, менинг олдимга Расулуллоҳнинг вакили бормагани учун Аллоҳнинг ва Унинг Расулининг мендан аччиғи чиқдимикан, деб бу ерга ўзим келдим, холос, – дедилар. Шу пайт «Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар...» ояти нозил бўлди».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ривоятлари шу ерда тугайди. Мазкур ривоятда кишини ажаблантирадиган ҳолатлардан бири – Расулуллоҳнинг вакиллари Валид ибн Уқбанинг айтилган ерга бормасдан, кўрқиб, орқага қайтиб келиб, ёлғон сўзлашидир. Одатда, саҳобийлардан бундай иш содир бўлиши амри маҳол. Бу ҳақда аввалги уламолар ҳам кўп фикр юритганлар, турли мулоҳазаларни билдирганлар. Лекин қиссани яхшилаб ўрганиб чиқсак, ажабланишимизга ўрин қолмайди деб ўйлайман. Нега Расулуллоҳнинг вакиллари келмаяпти, деб ташвишланиб, қавми билан ўзи боришга аҳд қилган Ҳорис ибн Аби Зирор Ҳузоъий розияллоҳу анҳу от-уловни ҳозирлаб, кийиниб, қуролланиб, йўлга чиқмоқчи бўлиб турганларида Валид розияллоҳу анҳу бу ҳолни узоқдан кўриб ёки бировдан эшитиб, «Булар диндан қайтишган экан, билмабмиз-да, мана, қуролланиб чиқишяпти-ку», деб кўрққан бўлиши турган гап. У орқасига қайтган, Ҳорис розияллоҳу анҳу ҳам ўз йўлларида давом этганлар. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз юборган иккинчи гуруҳ Мадинаи Мунавварадан чиқар-чиқмас улар етиб келишган.

Бу ояти карима мусулмонлар ҳаётидаги энг муҳим масалани муолажа қилади. У ҳам бўлса, хабарни қабул қилиш масаласи. Агар хабар Аллоҳдан ва Набий алайҳиссаломдан бўлса, сўзсиз қабул қилиш вожибдир. Қабул қилмаганлар гуноҳкори азим, кофир бўладилар. Энди одамлардан хабар қабул қилишга келсак, бу бир неча турга бўлинади. Аввало, хабарчи динда, сўзида ўта ишончли киши бўлса, унинг хабари қабул қилинади. Хабарчи фосиқ бўлса, яъни умрида бирор марта ёлғон гапирган, шариат

ҳукмларидан бирортасига бирор марта амал қилмаган бўлса ёки унинг ишончли-ишончсизлиги маълум бўлмаса, дейликки, нотаниш одам ёки хабари синаб кўрилмаган кимса бўлса ва ҳоказо, унинг хабари текширилмай туриб қабул қилинмайди. Бошқа ишончли манбаларда хабарнинг тўғрилиги собит бўлсагина қабул қилинади.

«Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, билмасдан, бир қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар».

Ушбу сураи каримада Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга хитоб қилиб, учинчи марта:

«Эй иймон келтирганлар!» демоқда. Демак, улар учун жуда ҳам муҳим бўлган бир хабарни етказмоқчи.

«Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар...»

Ояти каримада Аллоҳ таоло «фосиқ хабар келтирса, аниқлаб», хабарнинг собитлигини текшириб кўришга амр қилмоқда. Аллоҳнинг амрига бўйсунуш вожиб. Афсуски, мусулмонлар ушбу оятга амал қилмаганлари оқибатида катта мусибатларга дучор бўлмоқдалар. Бир хабарни эшитиши биланоқ, суриштирмай, бирор иш қилинса, кейин хабарнинг ёлғонлиги ёки хатолиги аён бўлса, ҳақиқатан, афсус-надоматга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло:

«...билмасдан, бир қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар», демоқда.

«Надомат» афсусланишдир. Афсусланиш бўлганда ҳам, доимий, бардавом афсусланишдир. Мисол учун, сабаби нузулдаги ҳодисани олсак. Агар Валиднинг гапига ишониб, суриштирмасдан, аниқламасдан туриб, кофир бўлибди, деб Ҳорис ўлдириб қўйилганида, ҳақиқатни билгандан сўнг ҳамма доимий надоматда қолган бўлар эди.

Абу Ҳарайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Бир кишининг ёлғончи бўлиши учун эшитган нарсасини гапиравериши кифоя қилади».

Муслим ривоят қилган.

Ҳар кимдан эшитган нарсасини гапираверган кишининг ёлфончи бўлиши турган гап экан, чунки одамлар ҳар хил гапни гапириши мумкин.

Шунинг учун бир гапни эшитган одам аввал ўша гапнинг тўғрилигини текшириши, тўғри бўлса, гапириши, нотўғри бўлса, гапирмаслиги керак. Акс ҳолда ёлфончи бўлиб қолиши мумкин.

Минг афсуслар бўлсинки, ҳаётимизда эшитган гапни суриштирмай гапириш кенг тарқалган. Кўпчилигимиз эшитган гапимизни рост ёки ёлфонлигини суриштирмай, тезроқ одамларга тарқатишга шошиламиз. Аммо ҳалиги гап таги йўқ, пуч ва ёлфон гап экани тезда аён бўлади. Шу билан ёфоннинг жамиятда тарқалишига ҳисса қўшган ёлфончилардан бўлиб қоламиз, гуноҳга шерик бўламиз.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ёлфон китобидан)